

# Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan 2002 yil 5 aprel juma № 14 (353) sotuvda erkin narxda

● Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шир давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу гош одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимда меҳнат қилган тажрибадан чиқарган энг муҳим ҳаётий ҳулосам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.

Ислом КАРИМОВ.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

4 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бошланди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда. Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда. Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади. Сессия қатнашчилари вафот этган депутат Т.Миродилов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси А.Ахадов 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисида ахборот берди. Олий Мажлис қарори билан ушбу ахборот маълумот учун қабул қилинди. Парламент «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси ва 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари бўйича амалга оширилган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари лойиҳасини муҳокама қилишга киришди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари мустақил Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўлида ўтказилган референдум улкан аҳамиятга эга эканлиги ва бу умумхалқ тадбирининг натижаларини амалда жорий этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу тўғрисида қонун



Суратда: сессия иш пайти.

Козим УЛМАСОВ олган сурат.

чиқарувчиларнинг бирламчи вазифаси давлат ҳокимияти органларини янги давр талаблари ва умумқабул қилинган демократик мезонларга мувофиқ ислох қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратишдан иборатдир. «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Қўқон шаҳар тиббиёт билим юрти директори З.Охунова, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Демократик институти раиси А.Турсунов, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко,

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов, парламентнинг Мудофаа ва хафсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси марказий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, Қўқон шаҳар тиббиёт билим юрти директори З.Охунова, Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Демократик институти раиси А.Турсунов, «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко,

катнашди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлифларини инобатга олиб, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилди ва «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг

якунлари бўйича амалга оширилган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорни маъқуллади. Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни сессияга тақдим этди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокама-сида Булунғур тумани ҳокими Х.Боймуродов, Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Андижон вилоятидаги «Андижон на-шриёти» очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нўмонов, Сирдарё тумани ҳокими А.Синдаров иштирок этди. Парламент қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

## ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис саккизинчи сессиясидаги маърузаси

Ассалому алайкум, хурматли депутатлар! Қадри дўстлар! Олий Мажлисимизнинг бугунги сессияси муҳокамага киритилган муҳим масалалардан бири - бу жорий йилнинг 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдумининг натижалари ва уларни ҳаётга табиқ қилиш билан боғлиқдир. Бу вазифа бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб масала бўлиб турибди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Мен фурсатдан фойдаланиб, ана шу вазифани амалга ошириш бўйича ўзининг баъзи бир фикр-мулоҳазаларини билдиришни зарур, деб ҳисоблайман. Аввало, бу борада фикр алмашиш ва ҳулосалар чиқаришдан олдин: **Биринчидан**, бўлиб ўтган умумхалқ референдуми нима учун, қандай максатда ўтказилди; **Иккинчидан**, референдум нимани кўрсатди, одамларимизнинг қандай

қарашларини намоён этди; Ва, шулардан келиб чиққан ҳолда, **учинчи** масала - референдум якунлари ҳаётимизда қандай ақс этади, қандай амалий натижаларга олиб келади, деган саволларга яна бир бор қайтишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман. Чунки бу саволларнинг моҳиятини ўзимизга яққол тасаввур қилмасдан, референдумда сайловчиларимиз билдирган фикрларини инобатга олмасдан туриб, уларнинг хоҳиш-иродаларини ҳаётга табиқ этишдек мураккаб ва масъулиятли вазифани тўлиқ амалга оширишимиз қийин бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, референдумда умумхалқ муҳокамасига қўйилган иккита масала, яъни келгуси чақириқдан бошлаб парламентимизни икки палатали қилиб ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари мамлакатимиз та-

раққиёти учун муҳимлигини, уларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кўрсатадиган катта таъсирини ҳеч ким инкор етмайди. Лекин, шу билан бирга, ўтказилган референдумнинг моҳияти ва унинг келгуси ҳаётимизга таъсири фақат шу иккита масала билан чекланиб қолмайди, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилиди. Барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай демократик давлатда ўтказилган мана шундай умумхалқ тадбирлари сингари мамлакатимизда бўлиб ўтган референдум сайловчиларимизнинг олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг келажига нисбатан ўз муносабатини билдиришлари учун, таъбир жоиз бўлса, эркин минбар бўлди. Бошқача қилиб айтганда, кенг миқёсда бошланган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва кучайтиришга доир режаларимиз бўйича, уларни қай йўсинда ва йўналишларда давом эттириш каби масалалар бўйича халқимизнинг фик-

рини олиш минбари бўлди. Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, референдум натижалари, сайловчиларимизнинг ундаги фалол иштироки ва билдирган ишончи том маънода халқимизнинг ҳаётимизда рўй берётган ўзгаришлари, янгиликларини, янги жамият қуриш жараёнини, қолаверса, ҳозирги олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизни қўллаб-қувватлаётганини яққол намоён этди. Ва шу тариқа халқимиз мана шу танлаган йўлимизни давом эттиришга, уни янги, юксак босқичга кўтаришга ўз розилигини берди. Мухтасар қилиб айтганда, юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, референдум натижаларидан иккита муҳим ҳулоса келиб чиқади. **Биринчидан**, бизнинг бошлаган йўлимизни, яъни тоталитар тузумдан воз кечи-б, юртимизда очик демократик давлат қуриш, ўзини оқламаган, буйруқбозлик тизимига асосланган, ўта

марказлашган иктисодиётдан бутун дунё яшаётган эркин бозор иктисодиётига ўтиш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек савий-ҳарақатларимизни халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Референдумдан келиб чиқадиган иккинчи ҳулоса шуки, биз ўзимиз интилган фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳеч қандай кам бўлмайдиган марраларга етиш учун бошлаган ислохотларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш ва янада чуқурлаштиришни ҳозирги вақтда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, буни кенг жамоатчилигимиз, халқимиз катта умид билан биздан кутмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Мухтарам дўстлар! Энди референдум якунлари ҳаётимизда қандай ақс этади, деган учинчи саволга тўхталсак. Яъни, бу якунлар қандай йўллар билан, қандай тартибда табиқ қилинади ва қандай амалий натижаларга олиб келади? Ушбу саволга, агар ре-

ферендум натижалари, биринчи галда, Конституция-нинг ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ холда осилиб қолиши мумкин. Юридик лугатларга киритилган «имплементация», деган бир сўз бор. Бу тushунча қонун ёки қарорни амалда жорий қилиш, деган маънони билдиради ва сиёсий-ижтимоий ҳаётда ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, мамлакатимизда ўтказилган референдумнинг натижаларини амалда жорий қилиш мақсадида бугун бизларнинг муҳокамага киритилган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси қўйилмоқда. Бу лойиҳа, авваламбор, давлат бошқаруви масаласида, қонунчилик ҳокимияти бўлиши Олий Мажлис таркибининг ўзгартириш, яъни қуйи палата - Қонунчилик палатаси ва Сенат деб ата-

ладиган юқори палатани ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш ва мана шу ислохотлар билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда бўлсак, бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифода-лаб - муҳрлаб беради ва асосий қонунимиз бўлиши Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлади. Шу билан бирга, биз бир нарсани англаб олишимиз керакки, ушбу Конституциявий қонун лойиҳаси, ўз моҳиятига кўра, келгусида қабул қилиниши зарур бўлган, ўзгаришлар жараёнини ўзида мужассам этадиган янги қонунлар олди-га принципал талаблар қўяди. Мана шу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида, авваламбор, лойиҳада кўрсатилган ўта муҳим масалаларга, яъни келгуси ча-

қириқ Олий Мажлисининг янги таркибига, парламент қуйи ва юқори палатасининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, шу билан бирга, палталарнинг шаклланиш тартиби, аъзолари сони ва ваколат мuddатларини белгилаш принципларига депутатлар томонидан алоҳида эътибор берилди, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлади. Қонун лойиҳасига кўра, бу сайловларни ушбу органларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилнинг декабрь ойида, учинчи ўн кулликнинг биринчи яқшанбасида ўтказилиши мўлжалланмоқда. Бундай тартиб қандай амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин? (Давоми 2-бетда).





Спорт
БОКС ҚИРОЛИ
БИЛАН УЧАРАШУВ

Гулистон Давлат университетини қошидаги академик лицей ўқувчилари ўзларининг анъанавий учрашувларига бу гал Артур Грингорини таъжиб қилганлар...



Бўтана сувларнинг юзидagi гул, Кирдаги лoла-ю, тоғдаги сунбул, Куйлаётган каби ёрнинг исмини, Оромим ўғирлаб, ёқар жисми.

Фарзанднинг ўлғаяверган сари қайси касбнинг эътигани тутиши, келажакда қандай кун қуриши мумкинлигини ўзидан қура қўриқ ўйлар экансан. «Қани энди, ўзини ўзи эглаб, топарман-тутарман бўлиб кетса, камчилик нималгини билмай яшаса. Хаётда турги йул танласа. Адашмасам...»

дики, сенки бўлади. Бунинг устига баъзан ўз фарзандининг «ғиринг» дегани қулонгига ёқмайди-ю, бирининг боласиникини кутарасанми? Кунин билан синфма синф қаҳкак урса...

ТАФТИШЧИ
ОТАНИНГ
«ЎГИТИ»

Ҳажвия

Углим, катта бўлсангиз ким бўласиз?
Шопир,
Шопир бўлиб нима қиласиз?
Машина хайдаб юраман.
Савол-жавоб шу тахлит давом этади. Уғилча хаёлан машина билан боғчага қатнайди...

иқкита молиявий хатосини қўрсатсанг бу ёнига терговчи судрага сундирган. Кейин ўн баравар кўп чиким билан ҳам тиңичлик қилди. Бунинг учун у сен билан тил тоғлиғини минг қарра макул...

Суд очерки

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

ЁЛЛАНМА
ОДАМКУШЛИК

Аролнинг Қахрамонга айтган гапига қараганда, Илгор тикув машиналарини ўғирлашгани хусусида милиция ходимларига айтиб қўяди...

барча ҳужжатларини йиртиб улқотиришди. Машинада қолган оёқ кийимини эса отиб юборишди. Сўнг тўхтаб машинанинг номерларини олиб, уни ҳам юкхонага жамлашди...

ароқ билан шашлик олдилар. Бироз қизишиб олганларидан сўнг магазинчини қандай қилиб ўлдириб режасини тузишди...

хонадонда босқинчилик қилишни режалаштиридилар. Кечки пайт соат 21 ларда Арал билан Қахрамон кўчада валақлашиб ўтиришганди...

ҚАБОХАТ
БОТҚОБИГА
БОТГАНААР

ёхуд бир жиноий гуруҳнинг қилмишлари хусусида



дин унинг айтганини бажарди. Бироз юргач яна ИПХ ходимлари қўзга ташланди. Тағин улар орқага қайтиб бошқа қаршига қайтишди...

Саломат опа кеч соат 23 ларда қайди. Аксига орилиб уша кунни уйда бир ўзи эди. Чарчаган экан, ётиб ухладим. Тахминан соат ярми кечаси...

Машина Муборакка етгач, Арал ақасининг олди-га кириб чиқиб:
— Бу ерда иш битмади, Бухорога кетдик, — деди.
Учовлон Бухоро сари йўл олдишди...

— Энди бунинг машинасини майдалаб, «запчасть» қилиб сотамиз, — деди ва бироз юриб уни тушириб кетди. Кетар чоғида машинани Гуваляк қишлоғида олиб бориб яшириб қўйишни айтди...

Талончилар бу гал узокқа боришни лозим қўришмади. Боз устига иш услубларини ўзгартиримасам бўлмасди. Негаки кетма-кет хайдовчиларнинг ўлдрилиб, машинасини олиб қочиб кетилганлиги хуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларини анча хўшёр тортириб қўйганди...

Талончилар бу гал узокқа боришни лозим қўришмади. Боз устига иш услубларини ўзгартиримасам бўлмасди. Негаки кетма-кет хайдовчиларнинг ўлдрилиб, машинасини олиб қочиб кетилганлиги хуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларини анча хўшёр тортириб қўйганди...

Муассис:
Ўзбекистон
«Адолат»
СДП Сийосий
Кенгаши ва
«Адолат»
газетаси
ижодий
жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАХМУДОВ, А. ЖУРАЕВ, Р. З. АХМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, М. МҸЙДИНОВ,
К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. М. АЗИМОВ,
Т. И. ЭРҒАШОВ, А. МАМАЖОНОВА, Ғ. Ф. ЖУРАЕВ, Н. НУРМАТОВ,
М. КАЛОНХОНОВ, Д. Ф. ТОШМУХАМЕДОВА, З. Т. ТҮРАҚУЛОВ (ўз муҳбир).

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ
АХБОРОТИ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки 2002 йил 2
апрелдан бошлаб валюта
операциялари бўйича бухгалтерия
хисоботи, статистика ва бошқа
хисоботларни юритиш, шунинг
билан, божхона тўловлари учун
қорғиний валюталарнинг сўмага
нисбатан қийматини белгилади.
Шунга қўра:
1 АҚШ доллари
696 сўм 02 тишин.

Мўлоқот учун
телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар
бўлими — 136-55-64.
Котибият — 136-55-96.
Факс: (8.371) 133-41-89.
МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси-32.

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
Матбуот қўмитасидан
140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма Ғ— 300,
Ҳажми—2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона мазали: «Буюқ Турон»
кўчаси, 41.
Наабтачи—
Матбўчи НАРЗИЕВ Саҳифаловчи —
Бахтиёр КҸШОКОВ
Газета IBM компьютерда терилди.
Босишга тошпирин вақти—20.00. Босишга тошпиринди.